

ОКТАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Табиат хазинаси: сабзавотлар, мевалар						
Муддати	Октябрь ойининг 2-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Галма-гал ўнг ва чап томонга айлана олиш. Сафланиш жараёнида ўзаро масофани сақлай олиш. Мувозанатни сақлай олиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин давомида самимий муносабатни билдириш. Ўз истакларини намоён этиш, турли ҳиссиёт ва кайфиятларни намоёнэтиш. Ўйинчоқларни йиға олиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Мураккаб бўлмаган гаплар туза олиш, “кўп”, “битта” маъноли сўзларни ишлатиш. Таълимий ва сўз ўйинларида иштирок этиш. Шеърлар ёд олиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Мева ва сабзавотларни фарқлай олиш. Атрофдаги ҳодисаларга қизиқиш. Катталар билан биргаликда тажрибаларда иштирок этиш.					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқага мос рақсга туша олиш, пластилиндан нарсаясай олиш, деталларни елимлай олиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Уруғлардан композиция: Сабзавот, мевалар		Автобус			Турли хилдаги уруғлар, ташландик материал, думалоқ шаклда картон, елим, мўйқалам, салфетка, намуна
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Дўкон					Раста, тарози, мева ва сабзавотлар муляжи
	Тил ва нутқ	Нима қаерда ўсади? Суҳбат		“Танла, айт ва ёд ол” таълимий ўйин			Китоб бурчаги, мева ва сабзавотлар тасвирланган карточкалар, қизиқарли қопча
	Фан ва табиат	Биз ва табиат					“Атрофимиздаги олам”, “Жонли ва жонсиз табиат”мавзусида расмлар тўплами, Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар
	Санъат	Мевалар		Аппликация: Сабзавотлар ва мевалар		Расм: Севимли меваларим	Пластилин, салфетка, тарелка, тахтача, расмлар, оқ қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОКТАБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА
ТАБИАТ ХАЗИНАСИ: САБЗАВОТЛАР, МЕВАЛАР

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Уруғлардан композиция: Сабзавот ва мевалар

Мақсад: болалар табиий материаллардан композиция ясаш ва санашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тарвуз, нўхот, ловия уруғлари; ташландиқ материал, ликопча, юмалоқ шаклда қирқилган картон, елим, мўйқалам, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тайёр ишни кўрсатиш.
2. “Нақш яса” таълимий ўйин.
3. Ишни амалиётда кўрсатиш.
4. Тайёр ишларни таҳлил қилиш ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: иш жараёнида сабзавот, мевалар тўғрисида топишмоқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: ақлий ривожланиш, боланинг ижодий ёндашиши, яратилган ишини чиройли безаши.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Автобус

Мақсад : болалар қоғоз билан ишлай оладилар, варақларни тахлай оладилар, ишларини безай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, 15-20х25-30 ҳажмли рангли қоғоз, тайёр деталлар (ойна, эшик, ғилдирак, безаклар), ўйинчоқ, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Йўловчи ташувчи транспортлар расмларини томоша қилиш.
2. «Тез ва секин» таълимий ўйин.
3. Транспорт ҳақида топишмоқлар айтиш.
4. «Худди шундай чизиқчани топ» таълимий ўйин
5. Тайёр ишларни таҳлил қилиш ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларни юк ташувчи ва одам ташувчи транспорт билан таништириш.

Эътиборга молик жиҳати: бошланган ишини охирига етказишга ўргатиш, предметларни мустақил номлаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Дўкон

Мақсад: болалар предметларларнинг умумий ҳолати бўйича ажрата оладилар, дўкон ишчиларининг меҳнатини тўғри ақс эттира оладилар, мустақил ўйин туза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дўкон растаси, касса аппарати, ўйин учун пул, ўйинчоқ, канцелярия жиҳозлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Дўкон” мавзусида суҳбат.
2. “Нима ортиқча? таълимий ўйин
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ролларни ижро этиш.
5. Ўйинни якунлаш.

Қўшимча: суҳбат, “Жамоат жойларида ўзини тута олиш” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ҳамкорликда ўйнаш, сўзлашиш одоби, луғат бойлигини ошириш.

Тил ва нутқ маркази

Суҳбат: Нима қаерда ўсади?

Мақсад: болалар сабзавот, меваларни гуруҳларга бўладилар, уларнинг қаерда ўсиши, таъми, шакли, рангини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сабзавот, мева, резавор мевалар расмлари, қопча, сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сабзавот, мева ва резавор мевалар расмларини томоша қилиш. Суҳбат: Нима қаерда ўсади?
2. “Қувноқ қопча” таълимий ўйин
3. “Тасвир бўйича топ”, “Таъм орқали топ” таълимий ўйинлари
4. “Қайси сабзавот ва мева йўқ бўлди?” таълимий ўйин
5. Умумлаштириш, якунлаш, рағбатлантириш.

Қўшимча: сабзавотлар, меваларнинг шакли, ранги, таъмини ривожлантирувчи ўйинлар орқали ўрганиш. Мавзуга оид топишмоқларни айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларнинг талаффузига эътибор қаратиш.

Тил ва нутқ маркази

“Танла, айт ва ёд ол” сўз ўйини

Мақсад: болалар кичкина ҳикоя тузадилар, сабзавот, мева ва резавор мевалар номларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расмли тарқатмалар, резавор мева, мева ва сабзавотлар муляжлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга кириш машқи: болалар тарбиячи мева расмли карточкани кўрсатса бир марта, сабзавот тасвирланган карточкани кўрсатса икки марта, резавор мевалар кўрсатса уч марта чапак чаладилар.
1. Мавзуга оид сўзлар иштирокида ҳикоя тузиш (мева, кастрюлька, сув, олов, шакар, плита, сабзавот, ёғ, салат идиши, пишириш, қуйиш).
2. “Тўртинчиси ортиқча” таълимий ўйини.
3. “Бошқа сўз топ” таълимий ўйини
 - Олма – олма сиркаси
 - Сабзавот – сабзавотли суюқ овқат
 - Картошка – картошкали пюре
 - Нок – нокли мураббо

Қўшимча: мавзу асосида ҳикоя тузиш, қаерда ўсади?, Қанақа рангда?, шакли, таъми қандай? саволларига жавоб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни тўғри талаффуз этиш, луғатни янги сўзлар билан бойитиш.

Фан ва табиат маркази

Табиат ва биз

Мақсад: болалар муаммоли вазиятлардан муваффақиятли чиқа оладилар, табиатни, теваарак-атрофни асрайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Атрофимиздаги олам”, “Жонли ва жонсиз табиат” мавзуларига оид сюжетли расмлар, “Қизил китоб” га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумот, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар расмларни томоша қиладилар.
2. Жонли ва жонсиз табиатни фарқлаш.
3. «Нима бўлади, агарда...» таълимий ўйин
4. “Қизил китоб”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонларни ўрганиш.
5. «Яхши-ёмон. Биз табиатни қандай асрашимиз керак?» таълимий ўйин.
6. Мавзу бўйича пазл териш.

Қўшимча: қизил китоб тушунчаси билан таништириш. Болаларга табиатни асраб-авайлашни ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: инсоннинг табиатга ўзаро таъсири ва ўрни ҳақида тушунчалар бериш. Ер юзидаги барча тирик жонзотларга ғамхўрлик қилиш лозимлигини уқтириб бориш.

Санъат маркази

Мевалар

Мақсад: болалар шакл ва ҳажмни таққослайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, тахтача, салфетка, лycopчa, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мевалар расмини томоша қилиш.
2. «Меваларни рангига қараб тер» таълимий ўйин
3. Амалий иш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.
5. Тайёр ишларни таҳлил қилиш ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: «Маҳсулотларни йиғиш» мавзусида видеороликни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий ишни бажаришда озодаликка эътибор қаратиш ва бажарилган ишни қўшимча деталлар билан жиҳозлаш.

Санъат маркази

Аппликация: Сабзавот, мева ва резавор мевалар

Мақсад: болалар ижодий қобилиятларини ривожлантирадилар, елимлаш ва қирқиш техникасини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рақамли расм, А-4 ҳажмли қоғоз, рангли қоғоз, кайчи, салфетка, бир бола учун сабзавот, мева, резавор мевалар акс эттирилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сабзавот, мева ва резавор мевалар расмини томоша қилиш.
2. «Сана ва айт» таълимий ўйин
3. Амалий иш.
4. Болалар ишлари кўргазмаси

Қўшимча: мавзу юзасидан савол-жавоб, расмлар чизиш, ривожлантирувчи фильм намоиши.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш, ҳисобни ўрганиш.

Санъат маркази

Расм: Севимли меваларим

Мақсад: болалар мевалар номи ва таъмини биладилар, уларни тасвирлайдилар, таққослайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мева ва сабзавотлар тасвирланган натюрморт, ҳар бир бола учун алоҳида мевалар контури чизилган варақлар, пахтали чўпчалар, акварель бўёқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мевалар ҳақида топишмоқлар айтиш.
2. Сухбат: Қандай меваларни биласиз? Улар қаттиқми, ё юмшоқми? Қандай шаклга эга? Қайси мевалар думалоқ шаклга эга? Қайси мевалар учбурчак шаклига ўхшайди? Қайси мевалар овал шакилга эга?
3. “Нимани қаерга қўйиш керак?” таълимий ўйин.
4. Амалий иш.
5. Ишлар таҳлили.

Қўшимча: меваларнинг фойдали хусусиятларини айтиб бериш. Мевалардан нима тайёрланади? (шарбат, компот, лимонад).

Эътиборга молик жиҳати: ишдаги саранжом-саришталик, ижодий фаоллик.